
IMPACT FACTOR (UIF): 8.20
IMPACT FACTOR (SJIF): 8.20

ISSN: 2277-3010

TJSS

Thematics Journal of Social Sciences

Informing scientific practices around the world through research and development



TJE - Tematics journal of Social Sciences
ISSN 2277-3010
Vol-10-Issue-1 2024
http://thematicsjournals.in
UIF 2021= 7.528
IFS 2020= **7.433**
Sjifactor 4.332

Ёшларни жадидчилик ғоялари асосида тарбиялаш: долзарблик ва вазифалар

Азамат Қозоқов

Наманган давлат университети,

Математика факультети тютори

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларни Ватанга муҳаббат, бурчга содиқлик руҳида тарбиялашда жадидчилик ғояларидан кенг фойдаланишга қаратилган чақириғига муносабат билдириб, унинг долзарблигини очиб беради. Шунингдек, бу борадаги вазифалар ҳақида таҳлилни амалга оширади.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, тарбия, ғоялар, жадидчилик, Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил боши – 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Мажлисда глобаллашув жараёнида ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни, аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон”нинг асосий мақсад ва ғояларидан бири — келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлодни вояга

TJE - Tematics journal of Social Sciences
ISSN 2277-3010
Vol-10-Issue-1 2024
http://thematicsjournals.in
UIF 2021= 7.528
IFS 2020= **7.433**
Sjifactor 4.332

етказишдир. Мана шу юртда яшаётган ёшларни ҳар томонлама мукаммал инсон қилиб тарбиялашни бугун замоннинг ўзи тақозо қилиб қўймоқда. Кўзланган мақсадга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, қадрятларга содиқ қолган ҳолда, замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача қилиб айтганда, миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин.

Шу юртда яшаётган ёшларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашни бугун замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Учинчи Ренессансни яратишдек кўзланган мақсадга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, қадриятларга содиқ қолган ҳолда, замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача қилиб айтганда, миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин. Зеро, фақатгина маънавият шахснинг, халқнинг, миллатнинг, давлатнинг, қолаверса, жамиятнинг кучи-қудрати, инсоният тараққиёти ва истиқболини белгиловчи ижобий руҳий омил бўлиб хизмат қилади.

Ўтган асрнинг бошларида яшаб ижод қилган жадидчилик намоёндалари теран англаган ҳолда жамиятни маънавий-маърифий ривожлантириш, халқни, айниқса ёшларни илм-маърифатга етаклашни ўзларининг юксак мақсади қилиб белгилаган. Улар ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилишган.

Маълумки, жадидлар XIX аср охири – XX аср бошида Россия империясида мусулмон модернист ислоҳотчилари бўлган. Улар ўзини “тараққийпарвар”, “зиёли” ёки фақат “Ёшлар” деб атаган кишилар эди. Жадидлар таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интилган. Жадидлар ўзини ушбу фалсафанинг таҳлилчилари сифатида ҳам намоён қилди. Биламизки, машҳур маърифатпарвар Аҳмад Дониш, шоирлар Муқимий,

TJE - Tematics journal of Social Sciences
ISSN 2277-3010
Vol-10-Issue-1 2024
http://thematicsjournals.in
UIF 2021= 7.528
IFS 2020= **7.433**
Sjifactor 4.332

Фурқат, Ҳамза, Убайдулла Завқий, Муҳаммад Баёний, Абай Қўнонбоев ва олим Чўқон Валихонов ислоҳотнинг ҳассос тарафдорлари бўлган[1].

Олимларимиздан бири профессор Б.Қосимовнинг жадидчиликка берган таърифи ҳам эътиборлидир. “Жадидчилик, дейди Б.Қосимов, -ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди –адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди”[2].

Шу нуқтаи назардан қаралганда Президент Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида èшларда юксак маънавиятни ривожланитриш ва юксалтириш борасида буюк аждодларимиз, хусусан жадидларнинг таълим тарбия тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, èшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”[3].

Бу ўриндаги амалий вазифаларга тўхталар эканмиз, қуйидагиларни қайд этиш лозим:

[1] Дамир Сатторов, «Жадидларнинг ғоявий асослари, ютуқ ва хатолари», https://www.uzanalytics.com/tarix/10076/
[2] Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1990, 26 январь.
[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/

TJE - Tematics journal of Social Sciences
ISSN 2277-3010
Vol-10-Issue-1 2024
http://thematicsjournals.in
UIF 2021= 7.528
IFS 2020= **7.433**
Sjifactor 4.332

1. Тарбия оиладан бошлнишини ҳисобга олган ҳолда, оилаларда соғлом муҳитни яратиш бўйича маҳаллалар кесимида тарғибот ва ташвиқот ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чораларини кўриш керак.

2. Ҳозирги ахборот асрини ҳисобга олган ҳолда, диёримиз равнақи – ёшларни асраш бўйича амалга ошириш лозим бўлгани энг асосий ишлардан бири, бу — миллий контентни кўпайтиришдир.

3. Фарзандларимиз онгини болалигидан бошлаб тўғри шакллантириш уларни буюк боболаримиз мероси билан тарбиялаш, қолаверса уларга кўпроқ тарихни ўргатишимиз мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича турли марафон, интеллектуал тадбирлар сонини кўпайтириш керак.

4. Бундан ташқари, ёшлар кўз олдида буюк жадидчиларимиз портретини гавдалантиришимиз учун санъат ва маданият соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Инсон онгига саҳна орқали ёки бирор бир вазиятни кўрсатиб бериш орқали таъсир қилиш кучи кўпроқ ва самаралироқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобал ўзгаришлар даврида бирлашишимиз керак. Ёш авлодда ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш учун оила, маҳалла ва таълим муассасаларинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғлом бўлишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/

2. Рустам Шарипов, Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан, «Ўқитувчи», Тошкент, 2002

3. Назаров Қ. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.-Б.98.

TJE - Tematics journal of Social Sciences
ISSN 2277-3010
Vol-10-Issue-1 2024
http://thematicsjournals.in
UIF 2021= 7.528
IFS 2020= **7.433**
Sjifactor 4.332

4. “Ҳақиқат манзаралари”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.